

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗАРИПОВ НОЗИМБЕК НАЙИМОВИЧ

ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ФАНИНИ
ЎҚИТИШДА ДАСТУРЛАШ МУҲИТИДАН ФОЙДАЛАНИШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ МИСОЛИДА)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (информатика)

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Зарипов Нозимбек Найимович

Информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишда дастурлаш муҳитидан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш (умумий ўрта таълим мактаблари мисолида)..... 3

Зарипов Нозимбек Найимович

Усовершенствование использования методики среды программирования в преподавании предмета информатики и информационных технологий (на примере средних образовательных школ) 25

Zaripov Nozimbek Nayimovich

Improving the methodology of using programming atmosphere in teaching Computer science and information technology (on the example of general secondary education) 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗАРИПОВ НОЗИМБЕК НАЙИМОВИЧ

ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ФАНИНИ
ЎҚИТИШДА ДАСТУРЛАШ МУҲИТИДАН ФОЙДАЛАНИШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ МИСОЛИДА)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (информатика)

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Ped2410 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Олимов Ширинбой Шарофович педагогика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Мўминов Баходир Болтаевич техника фанлари доктори, профессор Даминов Мирзохид Исломович педагогика фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «30» 03 соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11 уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-57-27; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишни мумкин (1121 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11 уй. Тел.: (0 365) 221-25-87).

Диссертация автореферати 2022 йил «14» 03 куни тарқатилди.
(2022 йил «14» 03 даги 1 рақамли реестр баённомаси).



С.К. Қаххоров,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

А.Р. Жўрасев,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.д.
(PhD), доцент

Ҳ.О. Жўрасев,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д (DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон ҳамжамиятида таълим соҳасидаги илм-фан тараққиёти, ахборотлашган жамиятда ўқитишнинг замонавий ахборот коммуникацион технологиялари воситаларини кенг жорий этиш ва улардан янада самарали фойдаланиш долзарблигини кўрсатмоқда. Ривожланган давлатларда ўқувчиларни ижодий қобилиятларини фаоллаштирувчи тамойилларни (ижтимоий медиа маркетинг, дизайнер, лойиҳаларни моделлаштириш, дастурий иловалар яратиш) ёритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълим тизимида олиб борилаётган ижтимоий, иқтисодий ислоҳотлар юқори малакали рақобатдош малакали кадрлар тайёрлашга қаратилганлиги, ўқувчиларни дастурлаш тилларига бўлган эътиборини кучайтириш, ўқитишда инновацион дастурий таъминотлардан фойдаланиб ўқитиш методикасини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда тан олинган ва эътироф этилган умумий ўрта таълим мактаблари дастурлаш муҳитини ўқитишда ўқувчиларнинг компетенцияларини ривожлантириш бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда. Жумладан, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишга алоҳида эътибор берилиб, таълим тизимида ахборот технологияларнинг кенг жорий қилиниши, жамиятнинг барча соҳаларига рақамли технологияларнинг татбиқ этилиши ҳамда замонавий ишлаб чиқарувчиларни ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу илмий изланишлар таълим олувчиларда дастурлаш муҳитига доир компетенцияларни ривожлантириш, компьютер, интернет ресурслари ва дастурий таъминотлардан самарали фойдаланиш маданиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда глобаллашув жараёнининг жадал суръатлар билан ҳаётимизга кириб келаётган бир даврда ўз билими, кучи, имкониятларига таянадиган, жамият, давлат манфаатларини ўз манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган етук мутахассис-кадрларни тайёрлаш, демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асослари концепциясини амалга ошириш шароитида мустақил, ижодий фикрловчи, замонавий фан-техника ва унинг ишлаш технологиясини мукамал эгаллаган, дастурчи мутахассисларни тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, «Ёшларга ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш, улар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилди. Шу маънода умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларини компьютердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ахборот технологияларини чуқур ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этиш, информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитиш жараёнида

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 23-сон Қарори. – Тошкент, 2021 йил 18-январь.

ўқувчиларининг дастурлаш муҳитига доир компетенцияларини ривожлантириш ҳамда илмий-методик асосларини яратиш юзасидан илмий тадқиқотларни янада такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги ПФ-5099-сон “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, 2019 йил 30 сентябрдаги ПҚ-4467-сон “Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 26 ноябрдаги ПҚ-4537-сон “Замонавий мактабларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3931-сон “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда информатика ва ахборот технологиялари фанининг мазмуни ва уни ўқитишни ривожлантириш, дастурлаш муҳитидан таълим тизимида фойдаланиш, ахборот тизимларини лойиҳалаш, олий таълим муассасаларида информатика ўқитиш методикасини ривожлантириш, ўқувчиларни компьютер технологиялари бўйича таълим олишга қаратилган методлар асосида виртуал дидактик ишланмалар тайёрлаш, электрон ахборот таълим ресурсларини ишлаб чиқишга, таълим жараёнида самарали фойдаланиш усуллари, ўқув жараёнига мослашувчи дастурий таъминот яратиш масалалари бўйича У.Ю.Юлдашев, Ф.М.Закирова, А.А.Абдукодиров, Ш.А.Назирова, М.М.Арипов, У.Ш.Бегимқулов, Н.И.Тайлақов, А.Ғ.Ҳайитов, Б.Б.Мўминов, Р.Р.Боқиев, М.М.Мамаражабов, М.Ю.Эшназарова, О.Х.Тўрақулов, Б.З.Тўраев, А.Х.Пардаев, Н.Ҳ.Авлиёқулов, М.Д.Пардаева, Ф.Р.Мурадова каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

МДҲ олимларидан Л.Л.Босова, Д.Г.Жемчужников, Т.Б.Захарова, Н.Н.Самылкина, А.Ю.Федосов, М.А.Сурхаев, О.Л.Мнацаканян, Э.В.Миндзаева, А.И.Газейкина, И.В.Рожина, Е.А.Леонова, И.А.Нагаева, Н.Г.Саблукова, П.В.Шумаков, А.Г.Федоров О.Н.Общева, Д.Л.Осипов, Ю.В.Ревич кабилар компьютер ва ахборот технологиялари имкониятларига таянган ҳолда, информатика фани ўқитувчиларини касбий фаолиятида

ахборот технологияларни қўллашга тайёрлаш, таълим жараёнида компьютер технологияларидан фойдаланишнинг дидактик имкониятлари ҳамда педагогик дастурий воситаларга оид муаммоларни ўз тадқиқотларида ёритиб берганлар.

Жаҳон олимлари дастурлаш муҳитларида ўқувчиларнинг дастур тузиш компетенцияларини ривожлантириш, ўқувчилар томонидан бажариладиган ўқув лойиҳаларининг турлари, шакл ва методлари, ўқитувчининг ўқувчиларни дастурлаш муҳитларига жалб этишдаги роли масалаларига эътибор қаратилган. Жумладан, T.Martha, A.Warth, Z.Akir, Z.Hussain, L.James, M.Saeli, K.Pfefferle, J.Francis, L.Sterling, A.Michal, F.Deek, R.Righi, N.Hodges каби олимларнинг тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

Диссертацияни шакллантиришда бир қатор илмий изланишлар эътиборга олинди ҳамда информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишда дастурлаш муҳитидан фойдаланиш методикаси такомиллаштирилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2017-2020 йилларга мўлжалланган ОТ-Ф4-02 рақамли “Математик физиканинг ҳолатлар тўплами чексиз бўлган моделлари термодинамикаси” ҳамда 2017-2020 йилларда бажарилган ОТ-Ф1-002 рақамли “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умумий ўрта таълим мактабларининг информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишда дастурлаш муҳитидан фойдаланиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

умумий ўрта таълим мактабларида информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишда дастурлаш муҳитидан фойдаланиш ижтимоий педагогик зарурият эканлигини асослаш;

ўқувчиларга информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишда Delphi дастурлаш муҳити билан амалий дастурларни интеграциялаш асосида дарс мазмуни такомиллаштириш;

умумий ўрта таълим мактабларида дастурлаш муҳитини ўқитишда ўқувчилар ўзлаштириши мураккаб бўлган мавзуларни аниқлаш ва уларнинг компетенциялар мазмунини ишлаб чиқиш;

информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишда ўқувчиларнинг Delphi дастурлаш муҳитидан фойдаланиш методикаси ва улардан самарали фойдаланиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва таълим жараёнига татбиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти умумий ўрта таълим мактабларининг 10-синф ўқувчиларида информатика ва ахборот технологиялари фанини дастурлаш муҳитидан фойдаланиб ўқитиш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети умумий ўрта таълим мактабларининг информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишда Delphi дастурлаш муҳитида ишлаш жараёнининг мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Педагогик кузатув, суҳбат, интервью, мониторинг, қиёсий таҳлил, аналитик обзор, таққослаш, тажриба-синов, анкета, савол-жавоб, моделлаштириш, тест ҳамда математик-статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини дастурлаш муҳити билан ишлаш кўникмаларини шакллантиришнинг мотивацион, ҳамкорликда ўқитиш, интеграцион, ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларини ривожлантириш каби педагогик шарт-шароитлар мантиқий фикрлаш, дастурлар тузиш, уларни компьютер ёрдамида амалга ошириш орқали аниқланган;

ўқувчиларга Delphi дастурлаш муҳитини ўқитишда дарс машғулотларининг ўқув-ташкилий тузилмаси Access, Excel, Word, Adobe Reader каби амалий дастурларга Delphi иловасидаги маълумотларни экспорт ва импорт қилиш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларга Delphi дастурлаш муҳитини ўқитиш модели ва компетенциялар мазмуни ўйин дастурлари, тренажер дастурлари, кўргазмали, мультимедиа воситаларини оптималлаштириш, дастурлаш муҳитида иловаларни конструкциялаш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг Delphi дастурлаш муҳитидан фойдаланиш ҳамда таълим натижаларини баҳолаш самарадорлигини аниқлашга хизмат қилувчи “Компоненталар билан ишлаш технологияси”, “Мустақил мураккаб дастурларни виртуал электрон ишланмалар” каби электрон манбаларидан фойдаланиш юзасидан дарс жараёнида фойдаланиш учун машқлар тўплами ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида Delphi дастурлаш муҳитида дастур тузишга доир назарий қарашлар ва ёндашувлар, функциялари ҳамда тамойиллари белгиланди, уларнинг ўзига хос жиҳатлари аниқланган;

умумий ўрта таълим мактабларида информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитиш жараёнида Delphi дастурлаш муҳитидан фойдаланиш бўйича методик кўрсатмалар ишлаб чиқилган;

умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари учун “Delphi дастурлаш муҳитида компоненталар билан ишлаш технологиялари” ҳамда “Компьютер графикаси” номли ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган ҳамда ўқув жараёнига татбиқ қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, унинг ўрганилиш чегаралари аниқ белгиланиши, назарий маълумотлар ишончли манбалардан олинганлиги, педагогик кузатув, интервью, мониторинг, тажриба-синов, моделлаштириш усуллари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган модел, методика ва дастурлар умумтаълим мактабларида информатика ва ахборот

технологиялари фанини ўқитишда ҳамда дастурлаш тиллари ва ахборот технологияларига тегишли масалаларни тадқиқ этишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчи ва ўқувчиларининг информатика ва ахборот технологиялари фанига доир билим, кўникма ва малака ҳамда қобилиятларини шакллантиришнинг илмий-методик тавсиялардан дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма яратишда, маърузалар ўқишда, семинар машғулотлари, тренинглар ва ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими амалиётида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумий ўрта таълим мактабларида информатика ва ахборот технологиялари фанини самарали ўқитиш бўйича ишлаб чиқилган назарий ва амалий таклифлар асосида:

умумий ўрта таълим мактабларида информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитиш жараёнида Delphi дастурлаш муҳитидан фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган методик кўрсатмалар “информатика ва ахборот технологиялари” ўқув курслари мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 6 сентябрдаги 03-02/3-2341-сон маълумотномаси). Натижада умумий ўрта таълим мактабларида информатика ва ахборот технологиялари фанига оид муаммоли мисол ва масалалар ечими, дастурлаш тилларини ўрганишга доир видео дарслар орқали мактаб ўқитувчилари билан ижодий ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилган;

умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларга дастурлаш муҳитини ўқитиш жараёнини амалга ошириш босқичлари, ўқувчилар билимини баҳолаш учун дастурий таъминотлар ишлаб чиқиш ҳамда илмий асосларини такомиллаштиришга доир таклифлардан “Delphi дастурлаш муҳитида компонентлар билан ишлаш технологиялари” номли ўқув қўлланмасини ишлаб чиқишда (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 6 сентябрдаги 03-02/3-2341-сон маълумотномаси) ҳамда Давлат илмий-техника дастурлари доирасида бажарилиши 2017-2020 йилларда бажарилган ОТ-Ф1-002 рақамли “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари” мавзусидаги лойиҳаларида фойдаланилган (Бухоро давлат университетининг 2021 йил 30 августдаги 04-04/01-589-сон маълумотномаси). Натижада, умумий ўрта таълим мактабларида информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитиш самарадорлигини оширишга ва дарс мазмунини бойитишга хизмат қилган;

умумий ўрта таълим мактабларида информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишда ўқувчиларда компьютер графикасига доир билимларини ошириш, дастурий муҳитда яратиладиган дастурни безаш, унга расм жойлаштириш, чизмаларни лойиҳалаш ва моделлаштиришга доир тавсиялардан “Компьютер графикаси” номли ўқув қўлланмасини ишлаб чиқишда (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сонли буйруғи, 418-361-рақамли гувоҳнома) ҳамда Давлат илмий-техника дастурлари доирасида бажарилиши 2017-2020 йилларга мўлжалланган ОТ-Ф4-02 “Математик физиканинг

ҳолатлар тўплами чексиз бўлган моделлари термодинамикаси” мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Бухоро давлат университетининг 2021 йил 06 июлдаги 01-04/01-304-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларга дастурлаш муҳитини ўқитишда компьютер графикасидан фойдаланиш методикасини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Илмий тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 10 та республика миқёсидаги журналларида ҳамда илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация тадқиқотининг асосий ғоя ва натижалари бўйича жами 32 та илмий иш чоп этилган, шулардан 2 та ўқув қўлланма, 1 та муаллифлик гувоҳномаси, 2 та методик қўлланма, 4 та халқаро журналларда, 7 та Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияси асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларида мақола, 16 та халқаро ва республика конференция материалларида ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, 8 та параграф, умумий ҳулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг асосий ҳажми 130 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Умумий ўрта таълим мактабларида информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишда дастурлаш муҳитидан фойдаланишнинг илмий-назарий асослари**” номли биринчи бобида информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишда дастурлаш муҳитидан фойдаланиш ижтимоий–педагогик муаммо сифатида тавсифланиб, дастурлаш муҳити тушунчаси, моҳияти ва функциялари аниқлаштирилган ҳамда умумий ўрта таълим мактабларида информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишда дастурлаш муҳитидан фойдаланишнинг амалдаги ҳолати илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишда дастурлаш тилларидан фойдаланиш, айниқса, Delphi дастурлаш муҳитидан фойдаланиб, ўқитиш ўқувчиларда мантиқий фикрлаш, алгоритмлар ва дастурларни тузиш, уларни компьютер ёрдамида амалга ошириш, ишлаб чиқилган дастурларни жамиятнинг турли соҳаларида қўллаш ва натижаларни таҳлил қилишга

ўргатади. Ўқувчиларга дастурлаш фанларини ўқитишда асосан уларни қобилиятларини инобатга олиб, қайси дастурлаш тилларига қизиқишига қараб йўналтириш яхши самара беради. Бундан ташқари, ўйин дастурлари, тренажер дастурлари, кўргазмалар, мультимедиа воситаларидан фойдаланилса, ўқувчи эслаб қолиши ва жараёни кўз олдида тасаввур қилиши осон кечади.

Мактаб дастурларини ўқитишнинг асосий муаммоси бу масалага тизимли ёндашувнинг йўқлигидир. Муаммо шундаки, мактабда улар дастурлашдан фойдаланган ҳолда муаммоларни ҳал қилмасликни, дастурларни ишлаб чиқишни эмас, балки фақат шу каби дастурлаш тилини ўргатишади. Мактабда информатика ва ахборот технологиялари фанининг дастурлаш мавзулари моҳиятан тил тузилишини ўрганишади холос. Аслида улар бундан ҳам муҳим кичик лойиҳалар устида ишлаши мумкин. Ҳамма ўқувчилар ҳам Delphi дастурлаш муҳитига бирдек қизиқиш билдирмайди. Чунки дастур тузишда ҳар бир ўқувчидан қобилият ва қизиқиш талаб қилинади. Дастурлаш қобилиятига эга бўлган ўқувчилар буни ўз-ўзидан ўрганишади, қолганлари дастурлаш ғоясини “зерикарли дарс” сифатида қабул қилишади. Дастурлаш дарсларида ўқувчилар асосан ахборот билан ишлашни, уни тузишни, бошқаришни ўрганадилар ва бу кўникмалар замонавий ҳаётнинг тобора ўсиб борадиган “ахборот девори” олдида жуда муҳимдир. Мактаб ўқувчисига ўқитувчи аввало компьютерда ахборотлар қайта ишлашниш жараёни, дастурларни қандай ишлаши, унинг имкониятлари ва чекловлари ҳақида маълумотлар бериши ва ҳаётдан мисоллар келтириши муҳим вазифа саналади. Агар ўқувчи дастурчи бўлмаса ҳам, дастурлаш жараёнида олинган кўникмалар унга келажакдаги ҳаётида яхши ёрдам беради.

Замонавий дастурий таълимдаги яна бир инновацион йўналиш бу мобиль иловаларни ишлаб чиқишда алгоритмик конструкциялар ва дастурлаш усулларини ўрганишдир. Смартфонлар ва телефонлар замонавий ёшларнинг қизиқиши ва эътирофига сазовор бўлди ва доимий равишда ўқишга бўлган қизиқишни сақлаб қолишга имкон беради. Мактабда кичик гуруҳларда мобиль иловаларни ишлаб чиқиш бўйича ишлаш ўқувчиларнинг ғайратини ва мустақил ишлаш вақтини оширади. Бу эса дастур мазмунини, шакллари ва усулларини ўзгартиришни ўқитиш соҳасидаги замонавий тенденцияларни шакллантиришга имкон беради. Ушбу тенденцияларни қуйидаги позициялар бўйича умумлаштириш мумкин:

1) ўқувчиларни дастурий таъминотни яратишда замонавий шаклларни ўзлаштириш учун дарсда лойиҳавий ёндашувдан фойдаланиш зарурати мавжуд;

2) лойиҳа вазифалари бўйича жамоавий ишлаш, техник ваколатларга кўшимча равишда, замонавий меҳнат бозорида талаб қилинадиган шахсий фазилатлар ва малакаларни ривожлантиришга имкон беради;

3) ўқув жараёнида ўқувчилар фаолияти натижаси учун мотивацияни сезиларли даражада оширадиган тугалланган дастурий маҳсулот бўлиши мумкин;

4) ўқув жараёнида ўқув муаммоларини ҳал қилиш учун ўқувчиларнинг ижтимоий муносабатларини тақлид қилувчи график иловалар ва виртуал муҳитлардан фойдаланиш лозим;

5) ўқув жараёнида очиклик, мультимедия, интерфаоллик ва гуруҳли ўқишни таъминлайдиган очик оммавий онлайн курслар ва масофавий ўқитиш тизимларининг (LMS) имкониятларидан фойдаланган ҳолда Delphi дастурлаш муҳитини ўқитиш;

6) амалий компонент ва ўқувчиларнинг қизиқиши ўқув робототехника ва дизайн элементларини дарсларга жалб қилиш орқали таъминланиши мумкин;

7) мобил дастурларни яратиш бўйича лойиҳалар асосида дастурий ўқув курсининг қурилиши ўқувчиларнинг қизиқиши ва фаоллигини оширади, шунингдек, ўқитишнинг самарали характерини таъминлайди.

Ҳозирги кунда бир нечта дастурлаш тиллари ишлаб чиқилган бўлиб, буларга Pascal, Delphi, C++, C#, Python, Java ва бошқаларни мисол қилиш мумкин. Бу дастурлаш тиллари бирор йўналишдаги масалаларни ҳал қилишга мўлжалланган бўлиб, уларни объектга йўналтирилган дастурлаш тиллари дейиш мумкин. Дастурлаш тиллари ҳақида сўз юритишдан олдин “дастур”, “дастурлаш”, “дастурлаш муҳити” тушунчаларининг мазмун-моҳиятига тўхталиб ўтишни лозим топдик.


Бизнинг фикримизча дастурлаш бу – компьютерлар ва бошқа микропроцессорли электрон машиналар учун мўлжалланган дастурларни яратиш, тажриба орқали синовдан ўтказиш ҳамда хатоларни тузатиб бориш жараёнидан иборатдир. Бошқача айтганда, компьютер учун дастур тузиш жараёни дастурлаш ва дастур тузадиган киши дастурчи дейилади. Компьютер тушунадиган тил дастурлаш тили деб аталади.

Дастурлаш муҳити бу – дастурчи ёзадиган кодларни айнан қандай тилда ва муҳитда ёзиши тушунилади. Масалан: кенг тарқалган ва кўплаб фойдаланувчига эга муҳитларни мисол қилиш мумкин. PHPStorm — асосан PHP дастурчиларга, VisualStudio — .Net дастурчиларга, NetBeans — Java, PHP дастурчиларга, PHPDesigner — асосан веб (PHP) дастурчиларга мўлжалланган. Ҳозирги кунда дастур тузиш юқори даражадаги дастурлаш тиллари (Delphi, Java, C++, C#, Python) воситасида амалга оширилади. Бу дастурлаш тилларининг семантикаси инсон тилига яқинлиги боис дастур тузиш жараёнини осонлаштиради.

Дастурлаш тиллари ичида кенг тарқалгани бу Pascal дастурлаш тили бўлиб, дастурлаш тилини ўргатиш мақсадида ишлаб чиқилган. Pascal дастурлаш тилидан кенг фойдаланишга асосий сабаб дастурнинг соддалиги ва ундан фойдаланиш қулайлигидадир. Бундан ташқари Delphi дастурлаш муҳити ишлаб чиқилган бўлиб, бунда ёзиладиган кодлаш асосини Pascal дастурлаш тили ташкил этади. Delphi дастурлаш муҳитида илова ва компоненталардан фойдаланиб, тузиладиган дастурни кўргазмали қилиш имкониятлари мавжуд. Ўқувчи Delphi дастурлаш муҳитидан фойдаланганда илова ойнасини ҳосил қилиш, унга тайёр бошқариш объектларини жойлаш ва интерфаол иловаларни яратиш имкониятларини ўзлаштиради. Бир сўз билан айтганда, ўқувчи ўзининг маънавий, руҳий ва интеллектуал салоҳиятини

ривожлантиради, камолотга интилиш, когнитивлик кўникмаларини мустақил равишда мунтазам ошириб бориш ва ўз хатти-ҳаракатларини баҳолаш имкониятига эга бўлади. Delphi муҳитида қуйидаги дастурларни кўриб чиқамиз, бу дастурлар ўқувчини дастурлашга қизиқтиради, мантиқий фикрлашга ундайди ва шу билан биргаликда математика, физика фанларини яхши ўзлаштиришига сабаб бўлади.

Ҳозирда умумий ўрта таълим мактабларда информатика ва ахборот технологиялари фани бўйича ўқувчилар маълумотлар базаси, веб дастурлаш, компьютер графикаси, ахборот хавфсизлиги, дастурлаш тиллари бўйича сабоқ бериб келинмоқда. Дастурлаш бўйича компонентларга бой ва ўқувчи ўзлаштириши учун осон бўлган дастурлаш муҳити бу Delphi ҳисобланади. Delphi муҳитида ҳаракатли ўйин дастурлари, маълумотлар базаси билан ишлаш, графикли дастурлар, бирор жараёни ҳисоблаш дастури, тест дастурлари яратиш мумкин. Delphi муҳитидан фойдаланган ҳолда маълумотлар базаси жадвалларини ҳам ҳосил қилиш мумкин. Маълумотлар базаси билан ишлашни қуйидаги тест дастури мисолида кўриш мумкин (1-расмга қаранг). Аввало Delphi иловасида маълумотлар базаси билан ишлайдиган Alias ҳосил қилинади. Alias – бу маълум бир гуруҳга тегишли бўлган жадвалларни қайси тоифага тегишли эканлигини ва жадваллар йўлини ўзида сақлайди. Delphi менюсининг DataBase бўлиmidан Explore буйруғи мавжуд бўлиб, бунда маълумотлар базасини яратиш мумкин. Explore ойнасидан Object, New бўлимлари орқали маълумотлар базаси номи шакллантирилади.



1-расм. Тест дастури илова ойнаси умумий кўриниши

Ўқувчиларнинг дастурлаш муҳитидан фойдаланиш бўйича зарур кўникма ва малакалари тизими қуйидагича ишлаб чиқилди:


- дастурлаш муҳитидан маълумотлар базаси билан интеграциялаш ҳамда маълумотларни кидириш, саралаш, ўчириш, қўшиш каби амалларни бажаришда фойдаланиш;

- дастурларни ўрнатиш, компонентларидан фойдаланиш, объектлар билан ишлаш, график объектларни яратиш, таҳрирлаш ва улардан фойдаланиш;

- дастурлаш муҳитидаги компонентларни ўзаро боғлаш, тайёр дастурни бошқа тизим (операцион система) га экспорт қилиш;
- дастурлаш муҳитига доир компонентлар хусусият ва ҳодисалар имкониятларидан дастур тузиш жараёнига кенг қўллаш.

Delphi дастурлаш муҳитидан фойдаланиб ўқув жараёни учун қуйидаги дастурий таъминотлар ишлаб чиқилди:

- график объектларни ҳосил қилишга мўлжалланган дастурлар;
- компьютер ўйинлари (2-расмга қаранг);
- тренажер дастурлар;
- математик функцияларни ҳисобловчи дастурлар;
- ўқувчи билимини баҳоловчи дастурлар;
- мустақил таълим олиш учун мўлжалланган дастурлар;



2-расм. Теннис ўйини дастури ойнаси

Юқоридаги санаб ўтилган Delphi дастурлаш муҳити вазифалари барча турлари ўқувчиларда ахборот технологияларидан фойдаланиш маданиятини ўстириш, компьютерда масалаларни бажара олиш, уларни амалиётда қўллай билиш, алгоритмлаш ва дастурлаш ҳақида тушунчага эга бўлиш, ақлий ривожланиши, дунёқарашини кенгайтириш, мантиқий фикрлаш қобилиятини шакллантиришдан иборат.

Диссертациянинг **“Умумий ўрта таълим мактабларида информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишда дастурлаш муҳитидан фойдаланиш методикаси”** номли иккинчи бобида Информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишда дастурлаш муҳитидан фойдаланишнинг замонавий технологиялари, дастурлаш муҳитидан фойдаланишнинг асосий тамойиллари, дарс жараёнида Delphi дастурлаш муҳитидан фойдаланиш методикаси, топшириқлар, дарс ишланмалари, ҳаракатли дастурлар, интерфаол таълим методлари асосида дастурлаш тилларини ўқитиш модели, ўқувчилар билимини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган.


Бугунги кунда мустақил фикрлайдиган, замонавий илм-фан ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, ўз юрти ва халқига фидойи, ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялаш ҳар бир таълим берувчининг энг муҳим вазифасидир. Узлуксиз таълим соҳасида энг долзарб вазифалардан бири бу – ўқитишда замонавий таълим технологияларидан кенг фойдаланиш, уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш, рақобатбардош мутахассис кадрлар тайёрлашдан иборатдир.

Ўқитишнинг замонавий технологиялари ва усуллари ҳар бир ўқувчи мактабни тугатгандан сўнг, ўзининг барча қобилиятларидан фойдаланган ҳолда ҳаётда муваффақиятларга эришиши учун ишлаб чиқилади. Ҳозирги кунда мактаб таълими тизимида турли хил педагогик янгиликлардан фойдаланилмоқда. Жумладан:

- дифференциал таълим;
- даражани фарқлаш;
- муаммони ўрганиш;
- ўйин технологияси;
- бирлаштирилган дарслар;
- лойиҳа усули;
- мультимедиа технологияси.

Энг характерли замонавий технологиялардан бири дифференциал таълим ҳисобланади. Замонавий дидактикада таълимни табақалаштириш дидактик принцип бўлиб, унга кўра ўқувчиларнинг типологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда самарадорликни ошириш учун дидактик шарт-шароитлар мажмуи яратилиб, унга мувофиқ мақсадлар, ўқув мазмуни, ўқитиш шакллари ва усуллари танланади ва фарқланади.

Дифференциал таълим технологиялардан “Маълумот турини ўзгартириш, маълумотни матн сатридан бутун сон турига ва тескарисига ўзгартириш”, “Шар ҳажми ва сфера юзаси иловаси” каби мавзуларни ўқитишда самарали ҳисобланади (3-расмга қаранг).




3-расм. Мунтазам N бурчак диагналлари ҳосил қилувчи дастур ойнаси

Юқорида келтирилган ахборотларга қўшимча равишда, компьютер ва ахборот технологияларидан, айниқса, Delphi фойдаланишнинг асосий имкониятлари қуйидагилардан иборат:

- Delphi дастурининг тузилиши содда ҳамда компонентлар ёрдамида кам куч сарфлаб аниқ бир дастур натижасига эришиш;
- ўқитувчи ва ўқувчилар учун электрон ресурсларни тайёрлаш;
- Access, PHP, SQL ва бошқа маълумотлар базасини бошқариш тизимлари билан интеграция қилган ҳолда дастур яратиш (4-расмга қаранг);
- Delphi орқали бажарилган дастурдаги маълумотларни Microsoft Office пакетидаги Word, Excel каби дастурларга экспорт ёки импорт қилиш;
- ўқувчилар билимини баҳоловчи тест дастурларини ишлаб чиқиш;

- Delphi дастури орқали интернет дастурлари, тижорат ўйин дастурлари ва бошқа кўплаб дастурларни яратиш;



4-расм. Access маълумотлар базасидаги жадвални Delphi дастурлаш муҳити иловасига боғлаш дастурининг ойнаси

Delphi дастурлаш муҳитини ўргатишда ўқувчи мавзунини ўзлаштириши осон бўлиши учун ўқитувчи қуйидаги тамойиллар асосида иш олиб борса мақсадга мувофиқ бўлади.

1. Delphi дастурлаш муҳитини қўллашда тушунтириш ва компилятор элементларининг ўзаро алоқадорлиги. Масалан: асосий меню, компоненталар палитраси, дастур шакли, дастур коди ойнаси, ишга тушириш панели ва дастурларни тузатиш.

Ушбу тамойилдан “Delphi дастурлаш муҳити”, “Delphi интерфейси”, “Delphi дастурнинг асосий менюси” каби мавзуларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

2. Имкониятларни намоиш қилиш учун дастур ишга тушириш, унга янги илова яратиш, сақлаш ва тузиш босқичларини тизимлилиги.

Бунда “Иловалар яратишнинг замонавий усуллари”, “Замонавий иловалар”, “Замонавий дастурлаш муҳитлари” каби мавзуларни ўқитишда фойдаланиш яхши самара беради.

3. Дастурлаш муҳити билан танишгандан сўнг, бошқа дастурлаш тиллари ўртасидаги фарқларни таққослаш ва намоиш қилиш, синтаксисларни таққослашни амалга оширишга қаратилганлиги.

Бунда “Showmessage ойнаси”, “Илова ойнасига маълумот жойлаш” каби мавзуларни ўқувчиларга тушунтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

4. Бошқарув тузилмалари, маълумотлар киритиш ва чиқариш буйруқларини алгоритмлашганлиги.


Ушбу тамойилдан “Label бошқариш объекти ва унинг хоссалари”, “Label объекти хоссаларини дастурда ўзгартириш” мавзуларини ўқувчиларга ўқитишда фойдаланиш мумкин.

5. Delphi дастурлаш муҳитининг ҳар бир ойна вазифа, хусусиятлари ҳамда ҳодисаларига доир намуна дастурларини кўрсатмалилиги.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ДАСТУРЛАШ МУҲИТИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Мақсад: Информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишда дастурлаш муҳитидан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш

Вазифа: Ўқувчиларни информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишда дастурлаш муҳитига доир компетенцияларини ривожлантириш



5-расм. Умумий ўрта таълим мактабларда дастурлаш муҳитидан фойдаланиш модели

Ушбу тамойилдан “Иловага маълумотлар киритиш, иловага матн сатрини киритиш”, “Edit бошқарув объекти ва унинг хоссалари” каби мавзуларни ўқувчиларга тушинтиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

6. Ўзгарувчиларни бир турдан иккинчисига ўтказиш ва аксинча, уларнинг хусусиятларига доир мисолларнинг аниқлилиги ва тушунарлилиги.

Бунда “Иловада ўзгарувчилардан фойдаланиш”, “Бутун сонлар йиғиндиси иловаси” каби мавзуларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

7. Delphi муҳитида ишлаб чиқилган лойиха иловасида ҳосил бўладиган кенгайтмаларни тушунтиришда ўқувчиларни имкониятларини ҳисобга олиш.

Ушбу тамойилдан “Delphi дастурида лойиҳалар яратиш ва сақлаш”, “Delphi ойналари” каби мавзуларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, умумтаълим мактабларида дастурлаш муҳитини ўқитиш модели такомиллаштирилди (5-расмга қаранг). Бунда мақсад ва натижа уйғунлигига эътибор қаратилди.

Диссертациянинг **“Умумий ўрта таълим мактабларида информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишда дастурлаш муҳитидан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси”** номли учинчи бобида умумий ўрта таълим мактабларида информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишда дастурлаш муҳитидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси ҳамда тажриба-синов ишларининг натижалари ва самарадорлик даражаси ишлаб чиқилди.

Тадқиқот даврида умумий ўрта таълим мактабларида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг информатика ва ахборот технологиялари фанини ўрганишда дастурлаш муҳитидан фойдаланиш жараёнининг назарий асосларига таянган ҳолда тажриба – синов ишларининг ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Тажриба-синов ишларининг вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди:

1. Умумий ўрта таълим мактаблари информатика ва ахборот технологиялари фани фаолияти мазмунини ёритувчи ўқув-меъёрий ҳужжатларни (ДТС, ўқув режа, ўқув дастури ва бошқалар) ўрганиш асосида бўлажак дастурчи мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш бўйича назарий маълумотларни ўрганиш, умумлаштириш.

2. Анкета сўровлари ёрдамида умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг замонавий дастурчи фаолиятга тайёргарлик жараёнида касбий билимлар аҳамиятини билиш ҳақидаги маълумотларни аниқлаш.

3. Умумий ўрта таълим мактабларида информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишда дастурлаш муҳитидан кенг фойдаланиш заруриятини асослаш.

4. Ўқувчиларда дастурлаш муҳитларини тушунарлилик даражасини аниқлаш ва мустақил дастур тузишни уддалай олишга текшириш.

5. Ўқувчилар ижодий фаоллигини ривожлантиришни аниқлаш.

6. Тадқиқотчилик процедуралари структураси, кузатиш шакллари ва ўқувчиларнинг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанига оид компетенцияларини эгаллаганликларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;

7. Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг компьютер технологиялари бўйича бошланғич билимлари даражасини аниқлаш;

8. Таклиф қилинаётган “Информатика ва ахборот технологиялари” фанининг тажриба-синов ишчи дастури ва уни ўқитиш методикасининг самарадорлик даражасини ўрганиш.

9. Тажриба - синов ишини якунлаш ва натижаларни қайта ишлаш.

10. Ўқув қўлланма ва тавсияномаларни тажриба-синовдан ўтказиш.

11. Тажриба-синов майдонларини аниқлаш.

12. Тажриба-синов ишлари якунидаги кўрсаткичларни ўзаро қиёслаш асосида хулоса чиқариш. Тестлар, анкеталар, сўровномалар, тест-анкеталар намуналари, суҳбатлар мавзуларини ишлаб чиқиш, тегишли миқдорда кўпайтириш, ўқитувчи ва ўқувчиларга тарқатиш. Тажриба-синов машғулоти лойиҳаси, ўқув машғулоти ишланмалари, методик тавсиялар ишлаб чиқиш, машғулотлар жараёнида бевосита иштирокчи сифатида қатнашиш. Назорат ва тажриба гуруҳларига лойиҳаланган ўқув машғулоти ўтказилиши бўйича тавсиялар бериш.

“Информатика ва ахборот технологиялари” фани машғулоти бўйича ўқувчиларни ўзлаштириш кўрсаткичларида қандай акс этганлигини аниқлаш мақсадида ўқувчилар ўртасида тажриба-синов ўтказилди. Тажриба-синов гуруҳларида машғулотлар дастурлаш муҳитлари ёрдамида, назорат гуруҳларида эса анъанавий методика билан олиб борилди. Тажриба ва назорат гуруҳида ўтказилган натижалар 5 баҳолик рейтинг тизимида баҳоланди.

Умумий ўрта таълим муассасаларида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишда таълим самарадорлигини аниқлаш мақсадида тажриба-синов ишлари олиб борилди. Тажриба-синов ишлари Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 17-сонли, Бухоро шаҳридаги 32-сонли, Бухоро туманидаги 30-сонли, Қорақўл туманидаги 10-сонли, Навоий вилояти Кармана туманидаги 3-сонли, 10-сонли, 18-сонли, 19-сонли ҳамда Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги 41-ИДУМ, Қарши шаҳридаги 39-сонли, Косон туманидаги 9-сонли умумий ўрта таълим мактабларида жами 839 нафар ўқувчилари (респондентлар) ва 32 нафар ўқитувчи иштирокида амалга оширилди (1-жадвалга қаранг).

Педагогик эксперимент учта: қайд қилувчи, изланишли ва ўргатувчи босқичларда амалга оширилди.

